

ДИЁРИМИЗДАН МЕХРУ ОҚИБАТ, ФАЙЗУ БАРАКА АРИМАСИН! НАВРЎЗИ ОЛАМ БАРЧАМИЗГА МУБОРАК БЎЛСИН!

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON

O'VOZI

IJTIMOIY-
SIYOSIY
GAZETA



• 2005-yil • 20-mart • Yakshanba • 36 (27.371) • uzbovozi@sarkor.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqqa boshlagan.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА НАВРЎЗ ТАБРИГИ

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!
Она заминимиз узра офтоб чарақлаб, бегубор Наврўз нафаси уфуриб турган мана шу кутлуг ва мунаввар кунларда сиз, қадрли юртодошларимни бу улуг айём билан чин қалбимдан муборакбод этишдан бахтиёрман.

Бугун юртимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида — азим пойтахтимиз Тошкентда, гўзал Фарғона водийси, кўхна Самарқанду Бухоро, Қорақалпоқ ва Хоразм воҳасида, Сурхон ва Қашқадарё, Навоий ва Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида — боғу роғлар, кир-адирлар бағрида сайил-томошалар ўтказиб, Наврўзи олами катта хурсандчилик билан байрам қилаётган инсонларга, бутун Ўзбекистон ахлига ўзимнинг самимий тилакларим ва ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этаман.

Муҳтарам дўстлар!
Биз Наврўз айёмини ҳаммаша орзиқиб, интизорлик билан кутамиз. Борлик чирой очиб, яшариб-янгиланаётган мана шу фусункор паллада Наврўз бамисоли эшик қоқиб, «Ассалом, эй азиз инсон!» деб остонамиздан кириб келаётгандек туюлади. Ва ўз навбатида биз ҳам, шу саховатли заминда истиқомат қилаётган жамки инсонлар «Жуш келибсан ўлкамизга, Наврўзи олам, қадаминг кутлуг бўлсин!» деб унга пешвоз чиқамиз.

Бу дилбар фаслда табиатнинг уйғониши, майса-ғиёҳларнинг тупроқни ёриб қўшига интилиши, қуртакларнинг очилиши, камалакнинг турфа рангда товланиши — еру кўкда рўй берадиган буюк ўзгаришлар, илохий мўъжизалар ҳар қандай инсонни ҳам ҳайратга солади. Табиатнинг очилиши билан одамзот қалбида ҳам мудраб ётган эзгу ҳиссиётлар уйғонади.

Шу маънода, Наврўз халқимизнинг юрагини ва ёруғ туйғуларини, ўлмас руҳи ва маънавиятини ўзида ёрқин намён этадиган энг қадимий, энг ардоқли, асл миллий байрамимиздир, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бундан минг йиллар аввал ҳам мана шундай Наврўз айёмида ажодларимиз, ота-боболаримиз кўш ҳайдаб, далага дон сочиб, одамга куч-қувват берадиган сумалак ва ҳалим каби тансиқ таомлар тайёрлаб, мўл ҳосил, ризку рўз тилаб пок ният қилганлар, шоду хуррамлик билан кўклам нашидасини сурганлар.

Бугун ҳам ям-яшил адирларда от чоптириб, кураш тушиб юрган бўз йигитларни, баҳор янглиғ гул-гул очилиб бораётган сулув қизларни, дошқозонлар атрофида ўйинкулга, хурсандчилик қилаётган юртодошларимизнинг қувонч ва шодлигини кўриб, ҳар биримиз тинчлик ва осейишталикнинг нақадар бебаҳо бойлик эканини қайтадан кашф этгандек бўламиз, бу осуда ҳаётнинг қадрини янада теранроқ англаймиз.

Мана шундай шуқухли дақиқаларда табиат ҳам бамисоли она сингари бағрини очиб, одамларга меҳр улашади, уларни эзгулик ва яхшиликка чорлайди. Ҳар қайси инсон бу ғанимат дунёда Оллоҳ берган неъматлардан баҳраманд бўлиб, бир-бирига, ўз яқинларига меҳр кўрсатишга, нуруний кексаларимизнинг дуосини олишга, беморлар, етим-есир, кўнгли ярим кишиларга ёрдам ва кўмак беришга интилади ва бундай савобли ишлардан беҳтиёр ўзининг ҳам дили ёришади.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг узоқ-яқин ҳудудларида бўлиб ўтаётган шодиёна сайилларда миллати, тили ва динидан қатъи назар, Ўзбекистонни ўз ватаним деб биладиган барча миллат ва элат вакилларининг иштирок этаётгани, кўплаб хорижий меҳмонларнинг бизнинг қувончимизга шерик бўлаётгани Наврўзнинг одамларни бирлаштирувчи ҳаётбахш кучидан далolat беради.

Шу нурафшон кунларда эл-юртимиз «Сихат-саломатлик йили»нинг Наврўзини янги орзу-умидлар билан кутиб олмақда.

Ана шундай орзу-умидларимизни рўёбга чиқариш йўлида бу йилги режа ва дастурларимизда кўзда тутилган мақсадлар, авваламбор, одамларни иш билан таъминлаш, уларнинг даромадларини кўпайтириш, соғлигини мустаҳкамлаш, аҳолига муносиб турмуш шароити яратиш беришга қаратилган чора-тадбирлар ўз самараси ва ҳосилини беради, иншооллоҳ.

Азиз дўстларим, биродарларим!
Янги кун, янги йил бошланаётган шу унутилмас дамларда, янги мавсум арафасида барчамиз энг аввало Наврўз айёмининг ҳақиқий эгалари, ризқ-рўзимиз бунёдкорлари бўлишимиз захматқаш деҳқонларимизни кутлаб, уларга мўл ҳосил, бахт ва омад тилаймиз.

Шу байрам кунларида қилаётган эзгу тилакларимиз ушалсин, ҳар қайси хонадонда қувончли кунлар, тўю томошалар кўп бўлсин!
Диёримиздан меҳру оқибат, файзу барака аримасин!
Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!
Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



АССАЛОМ, НАВРЎЗ!

Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманидаги 164-мактабда «Ассалом, Наврўз» номли тодбир бўлиб ўтди. Унда ўқувчилар ўзлари тайёрлаган байрам дастурларини намойиш этдилар. Ашула ва рақсларда янги кун — Наврўз тараннум этилди. Бу эса тантана иштирокчиларига олам-олам қувонч ато этди. Суратларда: тодбирдан лавҳалар.

С.ЎРМОНОВ (ЎЗА) олган суратлар



БУНДА ИНСОН ТОПАДИ ҚАДР

ХАВАС

Пойтахтимизнинг Амир Темури кўчасида «Sarbon» қаҳвахонаси — art cafe очилди.

«Interkontinental», «Radisson SAS» каби мухташам меҳмонхоналаримиз ёнида жойлашган бу муассаса менга ролпа-роса ўн йил бурун ўзим хорижда тухови бўлган бир манзарани эс-латди. Ушанда, Сейлда хизмат сафаридида юрганымда, «Shella» меҳмонхонаси ёнидаги қаҳвахоналардан бирига кирган эдим.

Жанубий Корея пойтахти кўчаларида қаҳратон киш шаҳиддан тушган бўлса-да, ўрнини ҳали кўклагма буткул бўшатиб берганича йўқ — ўқтин-ўқтин изгирин эсиб, булутлар қор элашга тушади.

Аммо, кўча тўла машина — бири биридан чиройли. Йўлларни тўлдириб оққани-оққан, ярақлаган автоллар мавжнинг на боши, на охири бор.

Атрофда эса хашаматли осмончўпар бинолар. Ҳар қадамда — меҳмонхона, музей, магазин (ўша пайтларда «супер-маркет» деган тўшунча ҳали бизда урфга кирмаганди), қаҳвахона, ресторан.

Рекламадан кўз камашади.
Хордиқ учун атай нимкоронгу ёри-тилган қаҳвахоналардан бирининг ой-наванд эшигини тортидим. Хўрандалар, асосан ёш-яланг, ўтирган залда сокин музика таралади. Деворларда катта-кичик картиналар осилган. Унда-бунда бежирим хайкалчалар эътиборни тартади. Хуллас, хордиқ чиқариб, санъатга ошно бўлинг ёхуд санъатга

ошно бўлиб хордиқ чиқаринг! Ана, дераза олдида йигит ва қиз охишта сўх-батлашиб ўтирибди. Ўртадаги столда шам милтиллади. Кўпчилик хўрандаларнинг столи даярли бўм-бўш, олдида биронта финжон — чашка борлигини айтмас...

Сурурли манзара.
Хавасим келди: «Қачон биз ҳам шундай кўнларга етар эканмиз?»

«МИНТАЙ» ЯККАХОКИМЛИГИ

Биз, шўро замонида «таноби тақчил-ликдан тортилган» одамлар, бундан ўн-ун беш йил бурун мутараққий мамла-катларга борсак, ана шундай, афсона-вий сайёрага тушиб қолгандек бўлар-дик. Тараққийёт карвонининг энг охи-

рида — чангида қолиб кетганимизни англаб эдик.

Чунки, у пайтларда ҳали юртимизда Инсонга бугунгидай ҳурмат-эътибор, кенг ҳуқуқли истеъмолчи, миқоз сифатида хизмат кўрсатиш, унинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоялаш ма-данияти шаклланмаган. Хориждан меҳ-мон чорласак, наинки замонавий са-молётларимиз, оддийгина қулайликка эга аэропорту меҳмонхоналаримиз ҳам йўқ ҳисоби эди. Борлари эса...

Қаҳвахонага кириб, бир пиёла қаҳва буюрсангиз, официантнинг афти буришиши тайин: «Овқат ема-сангиз, ароқ ичмасангиз, жойини банд қилманг!» Чунки, у билардики, сиз но-рози бўлиб кетсангиз, эшик олдида яна қанча хўранда навбат кутиб ту-

риб қатор қурилиш объект-лари билан ҳам танишди. Бу ерда давлатимиз раҳбари та-шаббуси билан бошланган улкан бунёдкорлик ишлари қизгин давом этмоқда.

Эски шаҳарда амалга оши-рилаётган ишлар шу даҳа аҳолисининг оғирини энгил қилишга, муносиб турмуш шароити яратиш ва ободон-лаштиришга қаратилганини Президентимиз алоҳида таъ-кидлади.

Дарҳақиқат, қисқа муддат-да лойиҳачилар, қурувчилар, йўлсозлар, транспортчилар ва бошқа касб эгаларининг ҳам-корлигида улкан бунёдкорлик ишлари бажарилди. Тор кўча-лар ўрнига кенг, равон йўллар, кўприклар, аҳолига замонавий хизмат кўрсатади-ган ижтимоий объектлар бар-по этилди, тегишли коммуника-ция тармоқлари ўтказилди.

Хусусан, «Сорбонтекстил» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси, замонавий поликлиника, ёшларни ин-телектуал ривожлантириш «Истеъдод» маркази, спорт мажмуаси, Форобий кўчаси-даги оилавий шифохона каби маданий ва маиший хизмат шахобчалари, таълим-тарбия муассасалари мазкур ҳудуд қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди.

Юртбошимиз Эски шаҳарда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишлари билан танишар экан, мутасаддиларга тегишли кўрсатма ва тавсия-лар берди. Бу ердаги майдон-дан оқилна фойдаланиш ке-раклигини ўқтирди. Аввало, қўшимча боғ ва майдонлар, фавворалар барпо этиш лозим. Сотувчилар ва харидорларга янада кенгроқ қулайлик яратиш мақсадида Эски Жўва бозори-да қўшимча савдо павильонла-ри, бошқа муҳим объектлар қуриш зарурлиги ўқтирилди.

Ислом Каримов барпо эти-ладиган бинолар кўриниши, ранги, безатилиши пойтахти-мизнинг яхлит қиёфасига мос бўлиши лозимлигини яна бир бор таъкидлади. Бунёд этили-ши режалаштирилаётган мо-деллар ўли, болалар ижодиёти маркази, буён шаҳарни баланд-ликдан томоша қилиш имко-нини берадиган майдонча лойиҳаси қурилишига оид мас-лаҳат ва тавсиялар берди.

Юртбошимиз Абдулла Қоди-рий номидаги боғда амалга оширилаётган ишларни кўздан кечиран экан, ушбу масканини Эски шаҳар ҳудуд-ида истиқомат қиладиган аҳолининг, айниқса, болалар-нинг энг сеvimли гушалари учун балки мосдир, аммо Ўзбекистонда боғлар фарқ гуллаган пайтга тўғри кела-ди. Дов-дарахт уйғонмаси-дан, унинг қушандаси — қурт-кумурсқалар ҳам уйқуда пай-тида кўчат экиш ва пухта пар-варилаш бобидида ота-бо-болаларимиз тажрибасини унутмайлик, аксинча, унга амал қилайлик.

Президент Ислом Каримов пойтахтимизнинг Эски шаҳар ҳудудида бунёд этилаётган

Фулум МИРЗО,
Норали ОЧИЛОВ,
ЎЗА муҳбирлари

TOSHKENT SHAHAR
MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAKKORI
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbn.uz E-mail: info@tshmbn.uz va Birja@mail.tps.uz

O'zbekiston havo yo'lari
TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI
Халқлар айланишгоҳи

ALOQABANK —
aniq, tez, ishonchli!
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04
WWW.alobank.uz E-mail: info@alobank.uz



Янги шеърлар

БУНДАЙ БАҲОР ФАҚАТ ЎЗБЕКИСТОНДА!

КЎКЛАМ КЎКЛАНАРКАН МИСЛИ КЕЛИНДАЙ

Яна баҳор келди!

Кайтди ул баҳор. Урғи нодаларга тутди гул, баҳор. Мудроқ далалардан кўтариб хобни, Сухбатига яқин чорлар офтобни. Чечаклар чайқалиб кўнғирок бўлди, Уйғонди нуридан кўнғил оқ бўлди. Кўзларни кўлдирди севинч гулхани, Шоирлар қалбиди жўшди илҳами. Самонинг саслари гулдираб кетди, Азининг новоти шилдираб кетди. Аёнки, ҳар ёлда иқрор мужассам: — Баҳор, энг мукамил бўлган Ижодсан!

Яшиллик — яшанингни андозасидай, Жапанингни жилали дарвозасидай — Камалак кўркини кўз-кўз этади, Чўддек қизаради тоғлар этади. Юракни аллалаб хур сабо елар, Куртак ифориға борлиқни белар. Бошларинг мавсумий бир гўзал «исён» — Томчи-томчи шивир тўқайди осмон. Туйгулар туташиб орзу-тиллакка, Хўлжон рақсини солар юракка. Қўшиқ бўлиб чиқар тилдан сатрлар, Не тирик жон борки — қуйлаёттирлар!

Севинчдан суқланиб дарахт танаси — Шохларини босар куртак «яра»си.

Ногоҳ ёрилар-у ўша «яра»лар — Ажиб бир тароват нурдек таралар. Жилгалар жимирлаб сойга туташган, Қизларинг орзуси ойга туташган. Ям-яшил гиламлар тўшаб табиий, Баҳор барқ уради гўзал, самимий. Азининг аҳдиға қарши майсалар — Кўтариб чиқдилар миллион найзалар. Ҳасад билан турар ана, тоғда қор, Замин безанмоқда, бу кун — Навбаҳор!

Бойчечак бойланиб дил риштасига, Айланар гулларинг фаршасига. Қаҳратон қаҳридан голиб келгандай, Бизга хушхабарлар олиб келгандай — Гулдор кулгу ила очар лабларин, Турналар тартибга солар сафларин. Кўкларинг кўкларинг мисли келиндай, Тиклагинг келди унга эринмай. Изларин ўпай, деб малаксиймонинг — Ирмоқлар бошлайди саросимани. Дафъатан юрагинг жўш уриб кетар, Вужудинг баҳорға қўшилиб кетар.

Кўзингни яшатиб минг турфа ранглар — Тураркан, идрокинг бир ҳикмат англар: Топмогинг мушкулдир ҳатто ризвонда, Бундай баҳор фақат ЎЗБЕКИСТОНДА!

НАВРЎЗ

Дилда қувонч ва тезғам гулгун, Кириб келди содиқ, вафолим. Сен умримнинг гул фасли бўлагин, Янги куним, янги баҳорим!

Ёмғирларим, хуш келдинг яна, Ер бағридан мушк келди яна, Сен муборак, сен қутлуғ сана — Янги куним, янги баҳорим!

Наврўзгинам, қалбим ардоғи, Юрагимнинг чўнғ қизгалдоғи, Сенинг билан умрим ялдоғи, Янги куним, янги баҳорим!

Ҳисларимнинг ҳадди сен билан, Қувончимнинг қадди сен билан, Мангу тонгим отди сен билан, Янги куним, янги баҳорим!

Соғинчларим севинча дўнди, Кипригимга капалак кўнди, Мени ташлаб кетмағил энди, Янги куним, янги баҳорим!

Ориф ТЎХТАШ

ИНСОННИНГ КЎНГЛИ БАҲОР

Беғам болаликда аҳли допишлар Ҳаёт дарсин онга этгани тақдим. Сабоқ саҳифасин варақлаб секин, Ҳар умр зарбида бир бора чақдим.

Жаҳл отига минган чоғингда Тилингда тишларинг этгил сен зиндон, Токи одам юзи бўлмасдан қора Азобда қолмасин бутун тану жон.

Ҳақнинг хоҳишида тақдиринг инсон, Суялма, дунёйим — абад тоғим деб. Ҳақ молин бериши-олиши осон, Сўнг айтмағил: «худо, не гуноҳим» деб.

Боланинг шўхлиг-у, ўйиндир иши, Ёшликда инсоннинг кўнглида баҳор, Урта ёшлигида ҳаёт ташвиши, Қарлик чоғида ширин сўзга зор.

Осмонга келди-ю, кетди бир юлдуз, Дунёга меҳмондир аслида одам. Кўкда тун бегаги бўлгандек юлдуз, Умр лаҳзаларин ардоқла ҳар дам.

Юлдуз висолини орзу айлаб гул, Булбули хор этди севаги касри-ла. Билсаки, юлдузнинг ҳаёли буткул, Етишмоқ билан банд Ойнинг васлига.

Дилфуза БОЗОРОВА

«ЮНУСОБОД ДЕҲҚОН БОЗОРИ»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Хабар тартиб рақами 09

Умумий мажлис тури: акциядорларнинг навбатдаги умумий мажлиси.

Мажлис ўтказилган вақт: 2005 йил 9 март. Манзил: Жамиятнинг маъмурият биноси. Қатнашганлар: 44407 овозга эга 27 акциядор. Кворум: 66,28%

Умумий мажлис кун тартиби асосида берилган овозлар натижалари:

- 1. Жамиятнинг 2004 йил якуни бўйича иш фаолияти юзасидан жамият бошқаруви раисининг ҳисоботи 44407 овоз билан тасдиқланди.
2. 2004 йил якуни бўйича молиявий ва ҳўжалик фаолияти юзасидан аудиторлик хулосаси 41257 овоз билан тасдиқланди.
3. 2004 йил якуни бўйича молиявий ва ҳўжалик фаолияти юзасидан Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи 44407 овоз билан тасдиқланди.
4. Кузатув кенгашининг 2004 йил фаолияти ҳақидаги ҳисоботи 44407 овоз билан тасдиқланди.
5. 2004 йил молиявий ва ҳўжалик ҳисоботи якуни бўйича жамият баланси 44407 овоз билан тасдиқланди.
6. 2004 йил молиявий-ҳўжалик ҳисоботи якуни бўйича даромадларин тақсимлаш ва дивидендлар миқдори ҳамда уни бериш тартиби 44407 овоз билан тасдиқланди.

7. Жамият бошқаруви раиси лавозимига номзодларни, 2005 йилги иш режаси (бизнес план)ни кўриб чиқиш, бошқаруви раисини сайлаш ва иш режаси (бизнес план)ни тасдиқлаш:

- 7.1. Зиявиддинов А.А. бизнес плани 44407 овоз билан тасдиқланди.
7.2. Зиявиддинов А.А. 44407 овоз билан жамият бошқаруви раиси этиб тасдиқланди.
8. 2005 йилга мўлжалланган даромадлар ва харажатлар сметаси 44407 овоз билан тасдиқланди.
9. 2005 йил фаолияти учун жамият аудитори этиб «ИНКОР» аудит маслаҳат фирмаси 44407 овоз билан тасдиқланди, хизмат ҳақи 150000 сўм деб белгиланди.
10. 1998-2001 йилларда акциядорлар томонидан олинмаган, муддати ўтган дивидендларни жамият ҳисобига ўтказиш 44407 овоз билан тасдиқланди.
11. 1998-2001 йиллардаги акциядорлик жамиятига тегишли ҳужжатларни — Умумий мажлислар ва Кузатув Кенгаши мажлис баённомаларини белгиланган тартибда архивга топшириш 44407 овоз билан тасдиқланди.

Хабар тартиб рақами 05

1. Жамиятнинг 2004 йил молиявий ва ҳўжалик ҳисоботи якуни бўйича дивидендлар миқдори 731 сўм 40 тийин деб 44407 овоз билан тасдиқланди. Акциядорларга ҳисобланган дивидендлар 60 кун ичида тўланади.

«ЧОРСУ БУЮМ БОЗОРИ»

очик акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!

Хабар тартиб рақами 0.9

Умумий мажлис тури: акциядорларнинг навбатдаги умумий мажлиси.

Мажлис ўтказилган вақт: 2005 йил 12 март

Мажлис ўтказилган манзил: жамиятнинг маъмурият биноси.

Қатнашганлар: 209650 овозга эга 3 нафар акциядор.

Кворум: 97,51%

Умумий мажлис кун тартиби асосида берилган овозлар натижалари:

- 1. «Чорсу буюм бозори» ОАЖнинг 2004 йил якуни бўйича иш фаолияти юзасидан жамият директорининг ҳисоботи 209650 овоз билан тасдиқланди.
2. 2004 йил якуни бўйича молиявий-ҳўжалик фаолияти юзасидан аудиторлик хулосаси 209650 овоз билан тасдиқланди.
3. 2004 йил якуни бўйича молиявий-ҳўжалик фаолияти юзасидан тафтиш комиссиясининг ҳисоботи 209650 овоз билан тасдиқланди.
4. 2004 йил молиявий-ҳўжалик ҳисоботи якуни бўйича жамият биллик баланси 209650 овоз билан тасдиқланди.

5. 2004 йил якуни бўйича олинган даромадлар ва сарф-харажатлар 209650 овоз билан тасдиқланди.

6. 2005 йилга мўлжалланган даромадлар ва харажатлар сметаси 209650 овоз билан тасдиқланди.

6.1. Жамиятнинг сметасига зарур ҳолларда ўзгартириш киритиш ваколати Кузатув кенгашига берилди.

7. 2005 йил фаолияти учун жамият аудитори этиб «Назар Аудит» аудиторлик компанияси 209650 овоз билан тасдиқланди.

8. Жамият Кузатув кенгашининг 2004 йил фаолияти бўйича ҳисоботи 209650 овоз билан тасдиқланди.

9. Жамият Кузатув кенгаши таркиби 209650 овоз билан тасдиқланди.

10. Жамият мақомининг ўзгартирилиши кейинги умумий мажлисда муҳокама этилиши 209650 овоз билан тасдиқланди.

11. Жамият директорининг меҳнат шартномасини 1 йилга узайтириш 209650 овоз билан тасдиқланди.

12. 2005 йилги бизнес плани (иш режаси) 209650 овоз билан тасдиқланди.

СООБЩЕНИЯ О СУЩЕСТВЕННОМ ФАКТЕ ОАО «КУРИЛИШТРАНС»

I. Решения общего собрания от 18.02.05г. Сообщение 09.

- 1. Считать работу АО по итогам финансово-хозяйственной деятельности за 2004 г. удовлетворительной.
2. Акт ревизионной комиссии утвердить.
3. Акт аудиторской проверки утвердить.
4. Распределить чистую прибыль за 2004г. в сумме 102818 тыс.сум — 96720 тыс.сум направить на дивиденды 2004 года и 5758 тыс.сум направить в резервный фонд.
5. Считать деятельность Наблюдательного Совета за 2004г. удовлетворительной.
6. Утвердить состав Правления ОАО «Курилиштранс».
7. Утвердить бизнес-план на 2005г. с чистой прибылью 23 млн. сум.

8. Премировать Наблюдательный Совет и Исполнительный орган ОАО «Курилиштранс» за хорошую работу — 500 тыс. сум.

9. Неустребованные дивиденды за 2000г. 630087 сум присоединить к прибыли 2005 г.

II. Начисление и выплата доходов по акциям. Сообщение — 05.

Дата принятия решения о выплате дивидендов по акциям — 18.02.05г.

Срок выплаты дивидендов с 18.02.05г. по 19.04.05г.

Размер дивиденда, выплачиваемого на 1 простую акцию — 400 сум.

Орган эмитента, принявший решение о выплате дивидендов по акциям — Общее собрание акционеров.

Наблюдательный совет

Advertisement for 'САМАРҚАНД АВТОТЕХНИЗМАТ' featuring images of cars and text describing services like car repair, insurance, and parts.

ХАЙРЛИ ХАЙРИЯ

Text describing a charity event where a car was donated to a school, mentioning the donor M. Muxommedov.



Термиз туманидаги 26-ўрта мактабда ташкил этилган «Жайхун» ашула ва ракс дастасининг митти баҳори — Нилуфархон.

И. ХЎЖАЕВ (ЎЗА) олган сурат

Table with contact information for 'BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV' and other staff members, including phone numbers and addresses.